**ТОШКЕНТ АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.13/30.12.2019.T.07.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**ТОШКЕНТ АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ**

**ИРГАШЕВА ДУРДОНА ЯКУБДЖАНОВНА**

# КОМПЬЮТЕР ТИЗИМЛАРИДА ФОЙДАЛАНИШНИ ЧЕКЛАШ ВОСИТАЛАРИ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШ УСУЛЛАРИ ВА АЛГОРИТМЛАРИ

05.01.05-Ахборотларни ҳимоялаш усуллари ва тизимлари. Ахборот хавфсизлиги

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc) ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент – 2021**

**УДК 004.056.52**

**Докторлик (DSc) диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата докторской (DSc) диссертации**

**Contents of the abstract of Doctoral (DSc) dissertation**

**Иргашева Дурдона Якубджановна**
Компьютер тизимларида фойдаланишни чеклаш воситалари самарадорлигини ошириш усуллари ва алгоритмлари.....3

**Иргашева Дурдона Якубджановна**
Методы и алгоритмы повышения эффективности средств разграничения доступа в компьютерных системах.....29

**Irgasheva Durdona Yakubdjanovna**
Methods and algorithms for increasing the efficiency of access control facilities in computer systems……..55

**Эълон килинган ишлар руйхати**
Список опубликованных работ
List of published works…….59

**ТОШКЕНТ АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.13/30.12.2019.T.07.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**ТОШКЕНТ АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ**

**ИРГАШЕВА ДУРДОНА ЯКУБДЖАНОВНА**

# КОМПЬЮТЕР ТИЗИМЛАРИДА ФОЙДАЛАНИШНИ ЧЕКЛАШ ВОСИТАЛАРИ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШ УСУЛЛАРИ ВА АЛГОРИТМЛАРИ

05.01.05-Ахборотларни ҳимоялаш усуллари ва тизимлари. Ахборот хавфсизлиги

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc) ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент – 2021**

**Техника фанлари доктори (DSc) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2020.4.DSc/T109 рақам билан рўйхатга олинган.**

Диссертация Муҳаммад ал-Хоразмий номидаги Тошкент ахборот технологиялари университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.tuit.uz) ва "Ziyonet" ахборот-таълим порталида (www.ziyonet.uz) жойлаштирилган.

| | |
|---|---|
| **Илмий маслаҳатчи:** | **Ғаниев Салим Каримович**<br>техника фанлари доктори, профессор |
| **Расмий оппонентлар:** | **Рахматуллаев Марат Алимович**<br>техника фанлари доктори, профессор |
| | **Нигматов Ҳикматулла**<br>техника фанлари доктори, профессор |
| | **Керимов Комил Фикратович**<br>техника фанлари доктори, доцент |
| **Етакчи ташкилот:** | **Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети** |

Диссертация ҳимояси Тошкент ахборот технологиялари университети ҳузуридаги DSc.13/30.12.2019.T.07.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2021 йил «03» июнь да соат 14:00 даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100202, Тошкент шаҳри, Амир Темур кўчаси, 108-уй. Тел.: (99871) 238-64-43; факс: (99871) 238-65-52; e-mail: tuit@tuit.uz).

Диссертация билан Тошкент ахборот технологиялари университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (201 рақам билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100202, Тошкент шаҳри, Амир Темур кўчаси, 108-уй. Тел.: (99871) 238-64-43).

Диссертация автореферати 2021 йил "21" май да тарқатилди.
(2021 йил «06» май даги 10 рақамли реестр баённомаси).

**Р.Ҳ.Ҳамдамов**
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, техника фанлари доктори, профессор

**Ф.М.Нуралиев**
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби, техника фанлари доктори, доцент

**Б.Ф.Абдурахимов**
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш ҳузуридаги илмий семинар раиси ўринбосари физика-математика фанлари доктори, профессор

## КИРИШ (докторлик диссертацияси автореферати (DSc))

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Умумжаҳон ахборот глобаллашуви жараёни компьютер тизимларини (КТ) инсон фаолиятининг барча соҳаларига нафақат жорий этишни, балки ахборот тизими хавфсизлигини таъминлаш шароитларининг заруратини кўзда тутади. Компьютер тизимида кечаётган ахборот жараёнининг ўзига хос хусусияти ишланаётган ахборот хавфсизлигига юқори талабларнинг таъминланиши зарурати ҳисобланади. Бу, бир томондан КТда ишланаётган ахборотнинг қиймати орқали, иккинчи томондан эса компьютер тизимидаги ахборот хавфсизлигига таҳдидларнинг катта сонининг мавжудлиги орқали аниқланади. Шу билан бирга таъкидлаш лозимки, турли таҳдидларни сони вақт ўтиши билан доимо ортади. Ривожланган мамлакатларда, жумладан, АҚШ, Россия Федерацияси, Япония, Франция, Жанубий Корея ва бошқа давлатларда компьютер тизимларида ахборот яхлитлиги ва конфиденциаллигини таъминлаш имкониятини берувчи фойдаланишларни чеклаш ва назорат қилиш воситалар ишлаб чиқиш муҳим аҳамият касб этмоқда.

Жаҳонда рухсатсиз фойдаланишларни бартараф этишга ва улардан ҳимоялашга қаратилган модель, усул ва алгоритмларни ишлаб чиқишга, шунингдек мавжудларини такомиллаштиришга йўналтирилган илмий-тадқиқот ишлари олиб борилмоқда. Бу борада, ҳозирги кунда компьютер тизимларида фойдаланишни чеклаш тизимини қуришда шаклланган ёндашиш, одатда статик характерга эга бўлиб, бундай ёндашиш ишланувчи ахборотнинг конфиденциаллигини кафолатли таъминлаш бўйича талабларнинг қондирилишига мўлжалланган усулларини ва алгоритмларни ишлаб чиқиш муҳим вазифалардан бири ҳисобланмоқда. Шу билан бирга фойдаланишни чеклаш тизимларида юритиладиган ахборот хавфсизлиги сиёсатини динамик ўзгариши ва вазифаларни тақсимлаш технологияси орқали фойдаланувчиларнинг ваколалатларини низолашиши жараёнларини бошқаришни усулларини такомиллаштиришни илмий асослаш зарур бўлмоқда.

Республикамизда давлат ва хўжалик бошқарув органларида миллий ахборот коммуникация технологиялари инфратузилмасини ривожлантириш ва уларда сақланадиган, ишлов бериладиган ва узатиладиган маълумотлар хавфсизлигини таъминлашга қаратилган кенг қамровли чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. «Киберхавфсизлик маркази» Давлат унитар корхонаси томонидан давлат ташкилотларининг ахборот тизимлари мониторинги бўйича тақдим этилган 2019 йил ҳисоботида келтирилган «… «Ахборот хавфсизлиги ҳодисаларини мониторинг қилиш» ахборот тизими томонидан давлат органларининг ахборот тизимларини кузатишда 17 620 025 та ҳодисалар аниқланган» ҳолати ахборот тизими нуфузининг йўқолишига олиб келиши мумкин[1]. Шуни таъкидлаш лозимки, 2017-2021 йилларда Ўзбекистон

[1] https://review.uz/post/kiberbezopasnost-respubliki-uzbekistan-itogi-2019-goda

Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида, жумладан «...ахборот хавфсизлигини таъминлаш ва ахборотни ҳимоялаш тизимини такомиллаштириш, ахборот соҳасидаги таҳдидларга қарши ўз вақтида ва муносиб қаршилик кўрсатиш»[2] вазифалари белгиланган. Мазкур вазифаларни бажаришда ахборотнинг криптографик ҳимоя воситалари, хусусан турли ҳодиса манбаларидан келаётган тасодифий қийматлар асосида самарали криптографик калитларни генерациялаш усуллари ва воситаларини ишлаб чиқиш муҳим вазифалардан бири ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасининг янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги, 2018 йил 19 февралдаги ПФ-5349-сон «Ахборот технологиялари ва коммуникациялари соҳасини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармонлари ва 2018 йил 21 ноябрдаги ПҚ-4024-сон «Ахборот технологиялари ва коммуникацияларининг жорий этилишини назорат қилиш, уларни ҳимоя қилиш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарори ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга мазкур диссертация тадқиқоти маълум даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг Республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги.** Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялари ривожланишининг IV. «Ахборотлаштириш ва ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш» устувор йўналиши доирасида бажарилган.

**Диссертация мавзуси бўйича илмий-тадқиқотлар обзори.** Компьютер тизимларини самарали ҳимоя қилиш учун ролларга асосланган фойдаланишни чеклаш моделлари ва алгоритмларини ишлаб чиқишга қаратилган илмий тадқиқотлар дунёнинг етакчи илмий марказлари ва олий ўқув юртларида, шу жумладан Фрайбург университети (Германия), Люксембург технология ва алоқа университети (Люксембург), Тунисning олий бошқарув институти (Тунис), Ислом Азад университети (Эрон), Пекин технология институти, Компьютер фанлари ва технологиялари Хуачжун фан ва технология университети, Чангчун фан ва технология университети (Хитой), Омск давлат университети, Тюмен давлат университети, Олтой давлат университети (Россия Федерацияси), «Киберхавфсизлик маркази» ДУК (Ўзбекистон)да олиб борилмоқда.

Дунёда компьютер тизимларини ҳимоя қилишда фойдаланишни чеклаш моделлари ва усуллари бўйича олиб борилган изланишлар натижасида бир қатор илмий натижаларга эришилди, шу жумладан: ахборот тизимларидаги хавфсизлик таҳдидларининг таснифи (Higher Institute of Management Tunisia); Пекин технология институти олимлари томонидан ролларга асосланган динамик фойдаланишни чеклаш модели ишлаб чиқилди

[2] Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон “Ўзбекистон Республикасининг янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги Фармони

(Key Laboratory of Intelligent Information Technology School of Computer Science and Technology, Beijing Institute of Technology, China); таҳлил асосида ахборот тизимларида фойдаланишни чеклашнинг типик моделлари ишлаб чиқилди (Тюмен давлат университети, Россия Федерацияси); таҳлиллар асосида эквивалент объектларга эга тизимларда фойдаланишни чеклаш моделлари ишлаб чиқилди (Олтой давлат университети, Россия Федерацияси); интеллектуал таҳлил асосида ролларга асосланган фойдаланишни чеклаш моделлари ишлаб чиқилди (School of Computer Science and Technology, Huazhong University of Science and Technology, China); ролига асосланган фойдаланишни чеклаш моделлари сиёсати учун кенг қамровли моделлаш муҳити ишлаб чиқилди (Faculty of Science, Technology and Communication, University of Luxembourg); Озод Ислом университети (Горган) олимлари фавқулодда вазиятга асосланган фойдаланишни чеклаш моделини ва Alloy тили моделининг хусусиятларини таҳлил қилдилар (Department of Computer Engineering, Islamic Azad University, Iran).

Дунёда ролга асосланган фойдаланишни чеклаш тизимларида ваколатларнинг сирқиб чиқиши хавфини баҳолашнинг иерархик усулларини ишлаб чиқишнинг устувор йўналишлари, шунингдек фойдаланишни ҳуқуқини чеклаш моделларида роллар иерархияси асосида ваколат моделларини ишлаб чиқиш ва атрибутларга асосланган фойдаланишни чеклаш усулларини такомиллаштириш бўйича тадқиқотлар олиб борилмоқда.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Ахборот хавфсизлигини таъминлаш муаммоларининг назарий ва амалий жиҳатларини таъминлашда турли ёндашишларга, ҳимояланган компьютер тизимларини қуриш усулларига Leonard J. La Padul, M. Harrison, W. Ruzzo, J. Uhlman, H. Pham, Sandhu ва Samarati, David Ferraiolo, Rick Kuhn ва А.В. Барабанов, Н.А. Гайдамакин, В.А. Галатенко, П.Н. Девянин, Д.П. Зегжда, Д.Ю. Гужва, С.С. Куликов, Р.М. Алгулиев, В.Ф. Шаньгин ва бошқа чет эл олимларининг кўп сонли илмий-тадқиқот ишлари бағишланган.

Ўзбекистон Республикасида ушбу муаммоларни, хусусан, ахборот хавфсизлиги бўйича қуйидаги олимлар бошчилигидаги илмий жамоаларнинг илмий изланишларида ўрганилган: Т.Ф. Бекмуратов, П.Ф. Хасанов, М.М. Арипов, С.К. Ганиев, М.М. Каримов.

Аммо, компьютер тизимларидан фойдаланишни чеклаш тизимини қуришда муайян формал моделларни танлаш ва қўллаш масалалари етарлича ўрганилмаган. Ундан ташқари, фойдаланишни бошқаришнинг мавжуд моделларининг бирортасида ҳам КТ фойдаланувчиларнинг ролли структураси, ўзаро таъсирдаги функционал модулларга мувофиқ, ҳисобга олинмайди.

**Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация тадқиқоти Тошкент ахборот технологиялари университетининг илмий-тадқиқот режасининг №Ф4-019 «Ахборот хавфсизлиги кўрсаткичлари ва мезонлари тизимини шакллантириш муаммоларининг тадқиқи» (2012-2016),

№Ф706-17 «Ахборот тизимларида биометрик-криптографик технологиялар қўлланилишининг тадқиқи» (2017-2018) мавзусидаги лойиҳалар доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** компьютер тизимларини самарали ҳимоялаш учун фойдаланишни чеклаш воситаларини қуриш, ваколатларни назоратлаш моделлари, усуллари ва алгортимларини ишлаб чиқиш ва такомиллаштириш.

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

компьютер тизимларидаги инцидентларни таҳлиллаш асосида назоратлаш ва бошқариш воситаларига дахлдор таҳдидларни аниқлаш;

компьютер тизимларида фойдаланишни чеклаш тизимининг қуришда таҳдидларни аниқлаш моделини ишлаб чиқиш;

фойдаланишни чеклаш тизимининг концептуал моделини ишлаб чиқиш;

фойдаланишни чеклаш тизимини синтезлаш самарадорлигини баҳолаш кўрсаткичларини аниқлаш;

динамик бошқаришни таъминловчи фойдаланишни чеклаш моделини ишлаб чиқиш;

ваколатлар асосида вазифаларни тақсимлашни (SOD) қўллаш учун атрибутлар ёрдамида фойдаланишни ролли чеклашнинг комбинацияланган моделини ишлаб чиқиш;

фойдаланишни чеклашда низолашувчи ва низолашмаган ваколатларни аниқлашга имкон берувчи усул ва алгоритмларни ишлаб чиқиш.

**Тадқиқотнинг объекти** сифатида компьютер тизимларида фойдаланишни бошқариш ва назоратлаш жараёни олинган.

**Тадқиқотнинг предмети** сифатида хавфсизлик моделлари, усуллари, алгортимлари ва ахборотни ҳимоялашнинг дастурий воситалари олинган.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Тадқиқот жараёнида эҳтимоллик назарияси, тўпламлар назарияси, графлар назарияси, ахборотни ҳимоялаш усуллари, Alloy моделлаш тизими, дастурлаш усулларидан фойдаланилган.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

ахборот хавфсизлиги стандартлари асосида компьютер тизимларида фойдаланишни назоратлаш ва бошқариш воситаларига дахлдор таҳдидлар рўйхати, ҳамда ахборотни ҳимоялаш тизими самарадорлигини баҳолаш кўрсаткичлари шакллантирилган;

фойдаланишни чеклаш тизимига таҳдидларнинг таъсир этиши эҳтимоллигини ҳисоблаш орқали таҳдидларни аниқлаш модели ишлаб чиқилган;

формал моделлар ва фойдаланишни чеклаш жараёнларида реконфигурацияга қарор қабул қилишни ҳисобга олган ҳолда концептуал модел ишлаб чиқилган;

фойдаланишни чеклаш схемаларини, улардаги элементларнинг ноаниқ характерга эга эканлигини ҳисобга олган ҳолда динамик бошқаришни таъминловчи фойдаланишни чеклаш модели ишлаб чиқилган;

ваколатлар асосида вазифаларни тақсимлашни (SOD) турли атрибутлар ёрдамида ролларга ваколатларни, ҳамда ролларга фойдаланувчиларни динамик тарзда тайинловчи комбинацияланган модел ишлаб чиқилган;

фойдаланишни ролли чеклаш моделида низолашувчи ва низолашмаган ваколатларни аниқлашнинг «кўпга-кўп», «кўпга-бир», «бирга-кўп», «бирга-бир» режим усуллари ва алгоритмлари ишлаб чиқилган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

ролларга низолашувчи ва низолашмаган ваколатларни динамик тарзда тайинлаш ҳисобига, вақтни тежашга ва маъмурга юкламани камайтиришга ҳамда фойдаланишни мослашувчан, динамик бошқаришга имкон берувчи модел ишлаб чиқилган;

маълумотлардан фойдаланишни назоратлашни деталлаштириш мақсадида, ролли базани фойдаланишни белгилар асосида назоратлаш билан бирлаштириш усули ишлаб чиқилган;

комбинацияланган модел асосида ишлаб чиқилган дастурий таъминотнинг фирибгарлик каналларини камайтиришга имкон бериши компьютер тизимларидан рухсатсиз фойдаланишдан ҳимояланишини оширишга ва маълумотлар базасининг ишончли ишлашини таъминлашга имкон беради.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги** масалалар қўйилишининг корректлиги, компьютер тизимларининг ахборот ихтилофи шароитида ахборотдан рухсатсиз фойдаланишнинг ахборот ҳимояланганлигига таъсир этувчи омиллар мажмуининг ва характерининг тўлиқ ҳисобга олиниши, масалаларини вақтнинг реал режимида самарали ечишга имкон берувчи тақдим этилган фойдаланишни чеклаш тизими моделини синтезлаш ва бошқаришнинг мукаммаллиги, тавсия этилган ечимларнинг бошқа усуллар асосида олинганлари билан зиддиятли эмаслиги билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти компьютер тизимларининг ахборот ихтилофи шароитида ишлаши хусусиятларини ифодаловчи, формал моделларини ишлаб чиқишда зарурий илмий-методологик базани таъминловчи фойдаланишни чеклаш тизими модели ва синтезлаш самарадорлигини баҳолашдан иборат.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти фойдаланишни чеклаш тизимини синтезлаш ва фойдаланишни ролли чеклашнинг комбинацияланган моделининг компьютер тизими маълумотлар базасининг рухсатсиз таъсирлардан ҳимояланганлигини ва ишончли ишлашини таъминлаш имкониятини беришидан иборат. Ундан ташқари, олинган натижалар дастурий амалга оширилиш даражасигача етказилган.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Компьютер тизимларида фойдаланишни чеклаш усуллари ва алгоритмларининг самарадорлигини оширишдан олинган илмий натижалар асосида компьютер тизимларини самарали ҳимоя қилишни таъминлаш, ролларга асосланган фойдаланишни чеклаш моделлари ва алгоритмлари ишлаб чиқилди:

ишлаб чиқилган ролларга асосланган фойдаланишни чеклаш моделининг низолашувчи ва низоланмаган ваколатларни аниқлаш усуллари ва алгоритмлари «Агробанк» ва «Қишлоқ қурилиш банк» банкларга татбиқ қилинган (Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлигининг 2021 йил 03 февралдаги №33-8/821-сон маълумотномаси). Илмий тадқиқот натижаларидан фойдаланиш таҳдидларнинг мавжудлигига тезкор жавобни 37%га оширишга, шунингдек ваколатларни яратишга сарфланадиган вақт 24%га камайишга имкон берган;

ахборот тизимининг ҳимоялашда таҳдидларнинг таъсири эҳтимоллиги ва ахборот ҳимоя тизимининг фош этилиши эҳтимоллигини моделлаш, яъни таҳдидлар ҳолатининг хавфсизлик модели Ўзбекистон Республикасининг «Ўзархив» агентлигига татбиқ қилинган (Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлигининг 2021 йил 03 февралдаги №33-8/821-сон маълумотномаси). Илмий тадқиқот натижасидан фойдаланиш таҳдидларни тезда аниқлаш ҳолатининг 1,5 баравар ошишига ва ишончлиликни таъминлашга имкон берган;

фойдаланишни чеклаш тизимига таҳдидларнинг таъсир этиши эҳтимоллигини ҳисоблаш орқали, таҳдидларни аниқлаш модели асосида ишлаб чиқилган дастурий таъминот «OFFICIAL DEALER TRADE» МЧЖга татбиқ қилинган (Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлигининг 2021 йил 03 февралдаги №33-8/821-сон маълумотномаси). Илмий тадқиқот натижаси фойдаланишга таҳдидларни тезда аниқлаш ҳолатининг 2,5 баравар ошишига ва ишончлиликни таъминлашга имкон берган;

фойдаланишни ролли чеклашнинг комбинацияланган C-RBAC моделига асосланган дастурий таъминот Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳузуридаги Олий таълим тизими педагог ва раҳбар кадрларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини оширишни ташкил этиш Бош илмий-методик маркази ахборот тизимига татбиқ қилинган (Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлигининг 2021 йил 03 февралдаги №33-8/821-сон маълумотномаси). Натижада ваколатларни ролларга, ролларнинг фойдаланувчиларга тайинлаш автоматик тарзда амалга оширилиши эвазига 2 баробар вақт тежалиш имконини яратди;

фойдаланишни чеклаш тизимини синтезлаш усули Ички ишлар вазирлигининг Академиясига татбиқ этилди (Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлигининг 2021 йил 03 февралдаги №33-8/821-сон маълумотномаси). Илмий натижаларни жорий этиш самарадорлиги ўқув материалларини ўзлаштириш даражасини ошиши билан изоҳланди ва натижа малакали мутахассисларни тайёрлашда амалий ёрдам бериши билан тасдиқланди.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Мазкур тадқиқот натижалари 7 та халқаро ва 11 та Республика илмий-техник ва илмий-амалий анжуманларда муҳокамадан ўтган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Диссертациянинг мавзуси бўйича 30та илмий иш чоп этилган, жумладан, Ўзбекистон

Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертациялар асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрлар рўйхатидан 13 та мақола, 8 таси хорижий ва 5 таси республика журналларида нашр этилган, ҳамда ЭҲМ учун яратилган дастурий воситаларни қайдлаш гувоҳномалари 2 та.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация таркиби кириш, бешта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 180 бетни ташкил этади.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

**Кириш қисмида** диссертация мавзусининг долзарблиги асосланган, Ўзбекистон Республикасида компьютер тизимлари ахборот хавфсизлиги муаммолари ҳолатининг қисқача таҳлили келтирилган, тадқиқот мақсади ва вазифалари аниқланган. Илмий янгилиги таърифланган ва иш натижаларининг амалий аҳамияти кўрсатилган, ҳимояга олиб чиқиладиган асосий илмий ҳолатлар келтирилган, тадқиқот натижаларини жорий этиш, натижаларнинг нашр этилиши ва диссертациянинг тузилиши тўғрисида маълумотлар берилган.

Диссертациянинг «**Компьютер тизимларида ахборот хавфсизлигининг замонавий ҳолати»** деб номаланувчи биринчи боби компьютер тизимларини ҳимоялаш муаммоларининг ҳамда фойдаланишни чеклаш моделларининг таҳлили асосида ҳимояланган компьютер тизимларини лойиҳалашга асосий талабларни шакллантириш ва таҳдидларининг таҳлиллаш масаласига бағишланган.

Ахборотни ҳимоялашни таъминлаш комплекс характерга эга бўлиши лозим. У хилма-хил салбий оқибатларни теран таҳлиллашга асосланиши лозим. Заифликларнинг пайдо бўлишига ва натижада ахборот хавфсизлигининг муҳим таҳдидларини аниқлашга имкон берувчи салбий оқибатларни таҳлиллаш таҳдидларнинг хилма-хил манбаларини сўзсиз идентификациясини кўзда тутади. 1-расмда таҳдидларни амалга оширилиш жараёни тасвирланган.




**1-расм. Таҳдидларнинг амалга оширилиши жараёнлари**

Таҳдид манбалари ахборот хавфсизлиги таҳдидларининг элтувчиси ҳисобланади. Шу билан бирга таҳдид манбалари компьютер тизимининг ичида (ички манбалар) ва ташқарисида (ташқи манбалар) бўлиши мумкин.

O'Z Dst ISO/IEC 27033-3:2016 миллий стандартда компьютер тизимлари билан боғлиқ назоратлаш ва бошқариш воситаларига дахлдор таҳдидлар баён этилган. Компьютер тизимларидаги назоратлаш ва бошқариш воситаларига дахлдор рухсатсиз фойдаланишдан ҳимояланганликка таъсир этиши мумкин бўлган соҳаларнинг таҳлили мос омилларни аниқлашга имкон берди (1-жадвал).

**1-жадвал**

**Компьютер тизимларида назоратлаш ва бошқариш воситалари таҳдидларининг турли хилларига мисоллар**

| **Барқарорликни бузиш омиллари** | **Маълумотларнинг ўғирланиши ва сохталаштирилиши** | **Конфиденциаллик-нинг бузилиши** | **Яхлитликнинг йўқотилиши** |
|---|---|---|---|
| Маълумотларнинг сервер базасидан фойдаланилганда веб иловалар учун рухсатнинг сони чекланган. | + | | |
| Фойдаланувчиларнинг рухсатсиз фойдаланишларини олдини олиш ёки бошқа шахснинг фойдаланиш ҳуқуқларини ишлатиш учун бошқариш рўйхатлари. | + | | + |
| Бажарилишига рухсат берилган фойдаланувчи функциясини чеклаш учун ролларга асосланган фойдаланишни бошқариш. | + | + | |
| Маълумотларнинг рухсатсиз ўзгартирилиши ёки нусхаланиши. | + | | + |
| Маълумотларнинг ўғирланиши. | + | + | |
| Фойдаланиш ваколати ҳақиқий фойдаланувчиларга берилганлигига ишончни таъминлаш учун фойдаланувчини хавфсиз рўйхатдан ўтказиш. | + | + | |
| Рақамли сертификатлардан, пароллардан, биометриядан ёки смарткарталардан фойдаланиб аутентификациялаш. | + | | + |
| Иловалардан ва бошқа тармоқ ресурсларидан фойдаланиш ҳуқуқларининг бузилиши каби хавфсизлик сиёсатининг бузилишини аниқлаш учун дастурий воситаларнинг мониторинги. | | | + |

Хавфсизлик таҳдидларининг асосий объектларидан бири компьютер тизимининг маълумотлар базасида сақланувчи оператив ахборот ҳисобланади. Аммо, қатор ҳолларда оператив ахборотга таҳдидларни амалга оширишда, ахборотдан фойдаланиш бўйича керакли ваколатларнинг мавжудлиги кўзда тутилади. Ушбу ваколатларни компьютер тизими маълумотлар базасининг технологик ахборотига, жумладан ҳимоя тизими ахборотига таъсир этиш йўли билан олиш мумкин.

Диссертациянинг «**Компьютер тизимларида фойдаланишни чеклаш тизимини синтезлаш»** деб номаланувчи иккинчи боби фойдаланишни чеклаш тизимига таҳдидларнинг таъсири ва ушбу тизимнинг фош этилиши эҳтимолликларини ҳисоблашга имкон берувчи таҳдидлар моделининг тавсифи, фойдаланишни чеклаш тизими ва унинг концептуал модели, ҳамда фойдаланишни чеклаш тизимининг самарадорлиги кўрсаткичларининг баёнига бағишланган

Диссертациянинг биринчи бобида келтирилган, фойдаланишни чеклаш тизимига тааллуқли таҳдидлар хилига биноан, бузғунчи ҳаракати тавсифланувчи фойдаланишни чеклаш тизимига таҳдидлар моделини шакллантириш мумкин. Бузғунчи сифатида, ҳаракати компьютер тизимидаги ахборотдан рухсатсиз фойдаланишга йўналтирилган, ахборот тизимидан штатли воситалар орқали фойдаланувчи субъект кўрилиши лозим.

Таҳдидлар моделини қуриш ҳужумларнинг ноформал моделини шакллантиришдан бошланади (2-расм). Ҳужумни амалга оширишда нияти бузуқ, исталган натижага олиб келувчи қандайдир хавфсизлик ҳодисасини моделлайди. Ноформал моделдан таҳдидлар моделига ўтиш мумкин. Таҳдидлар ҳолатининг моделини, ҳар бири таҳдиднинг *i*-ҳолатига мос келувчи, блоклар мажмуи сифатида кўриш мақсадга мувофиқ ҳисобланади. Ушбу модел 3-расмда келтирилган.




**2-расм. Ҳужумнинг ноформал модели**




**3-расм. Таҳдидлар ҳолатининг модели**

Ушбу хавфсизлик таҳдидлари модели $H_i$ *(i=0…10)* таҳдид ҳолатлар сифатида ифодаланади, бунда $H_0$ – фойдаланишни чеклаш тизимининг

дастлабки ёки хавфсиз ҳолати, $H_1 - H_{10}$ турли таҳдидлар ҳолати. Шунингдек, $Q_1 - Q_3$ таҳдидларни тайёрлаш, амалга ошириш ва якунлаш қисмтизимлари.

Таҳдидлар тизими ҳолати $H(t)$ нинг вақт онидаги эҳтимоллиги, ушбу тизимнинг $H_t$ ҳолатида бўлишлигининг эҳтимолликлари мажмуи сифатида кўрилади ва қуйидагича ифодаланади: $e_i(t) = e(H(t) = h_i)$, бу ерда $H(t)$ вақт онидаги тизимнинг тасодифий ҳолати. Ўтиш эҳтимоллиги қуйидагича аниқланади: $e_{ij}(t) = e(Hk = H_j | H(k-1) = H_j$.

Таҳдидлар тизимининг $k$-нчи қадамда бўлиши эҳтимолликлари, тўлиқ эҳтимоликлар формуласини қўллаб ва $(k-1)$-нчи қадамдан $k$-нчи қадамга ўтиш орқали, аниқланади ва қуйидаги рекуррент кўринишда ифодаланади:

$e_j(k) = \sum_{i=1}^{n} e_i(k-1)e_{ij}$.

Таҳдидлар моделининг асосий параметрлари-компьютер тизими ахборотининг ҳимоя тизимига таҳдидлар тизимининг таъсири эҳтимоллиги ва ахборот ҳимоя тизимининг фош этилиши эҳтимоллиги. 3-расмда келтирилган моделдан белгиланган граф кўринишидаги моделга ўтилади (4-расм).




**4-расм. Ҳимоя тизими ҳолатининг белгиланган графи**

Бунинг учун қуйидаги белгилашлар қабул қилинади:

$\mu_i$ - ахборот ҳимояси тизимини тиклашга йўналтирилган интенсивлик;

$\gamma_i$ - ҳимоя тизимининг фош этилиши интенсивлиги;

$e_i$ - ҳодисаларнинг бошланиши ҳолати эҳтимоллиги ($e_1$ - ташқи ҳужум бўлмаганлиги эҳтимоллиги; $e_2$- ташқи ҳужум бўлганлиги эҳтимоллиги; $e_3$- ички хил (кўринишда) ҳужум бўлганлиги эҳтимоллиги; $e_4$- номаълум ҳужум бўлганлиги эҳтимоллиги; $e_5$ - бошқариш тизимига ҳужум бўлганлиги эҳтимоллиги).

$D_i$ – ҳимоя тизими ҳолати. Ҳимоя тизими ҳолатлари 4-расмда графда келтирилган 16та ҳолатни ўз ичига олади ва бунда таҳдид ҳолатлари ҳодисаларнинг бошланиши эҳтимоллиги ҳолатлари тизим учун бир вақтда таъсир ўтказишни кўзда тутади. Кўзга ташланувчанликни таъминлаш мақсадида ҳужумлар оқими $\lambda_i(t)$ ва ҳужумларга қарши таъсир қилувчи

оқимлар $\mu_i(t)$ стрелкалар "⇆" орқали белгиланган. Белгиланган графни ёки интенсивлик матрицасини билган ҳолда, мнемоник қоидадан фойдаланиб, ахборотни ҳимоялаш тизими ҳолати эҳтимоллиги учун дифференциал тенгламалар системасини ёзиш мумкин:

$$\frac{de_i(t)}{dt} = \sum_{j=1}^{n} e_j(t)\lambda_{ij}(t) - e_i(t)\sum_{j=1}^{n}\lambda_{ij}(t).$$

Унда ўзгармас коэффициентли бир жинсли дифференциал тенгламалар системаси ўрнига ўзгармас коэффициентли бир жинсли алгебраик тенгламалар системасини олиш мумкин. Бу алгебраик тенгламалар системасини, қуйидаги нормалланган шартни ҳисобга олган ҳолда, ечиш мумкин:$\sum_{i=1}^{16} e_i(t) = 1, (0 \le e_i(t) \le 1; t \ge 0)$. Дифференциал тенгламани ўзгармас коэффициентли бир жинсли алгебраик тенгламалар системасига ўзгартирилади: $e_i = \sum_{j=1}^{n}\lambda_{ij}e_j - e_i\sum_{j=1}^{n}\lambda_{ij}$. (1)

(1) ифодани қуйидаги кўринишига келтириш мумкин:

$e_i\sum_{j=1}^{n}\lambda_{ij} = \sum_{j=1}^{n}\lambda_{ij}\,e_j$, ёки янада содда кўриниши:

$e_i = \frac{\sum_{j=1}^{n}\lambda_{ij}e_j}{\lambda_i}$ $(i = 1,2,3,\dots,n)$, бу ерда $\lambda_i = \sum_{j=1}^{n}\lambda_{ij}$.

Алгебраик тенгламалар системасини ечиш учун ушбу тенгламалардан бирини нормаловчи шарт $\sum_{j=1}^{n} e_i = 1$ билан алмаштириш керак.

Қуйида ҳимоя тизимига ҳужумларнинг турли интенсивлигида ва ҳужумларга қайта таъсир қилишга йўналтирилган ҳимоя тизими интенсивлигида ҳимоя тизимининг ўтишлари эҳтимолликлари ҳисобланган.

Ҳужум оқимлари $\lambda$ ва ҳужумга қарши ҳимоя коэффициент $\mu$ ларнинг йиғиндиси 1 га тенг деб олинади. Бу ҳолда, $\lambda$ ва $\mu$ бир-бирига тескари мутаносиб. Ишлаб чиқилган модел асосида қуйидаги хулосаларга келиш мумкин: ҳимоя тизимига ҳужумларнинг максимал оқими таъсирида ва ушбу ҳужумларга ушбу тизим тарафидан ҳар қандай қарши таъсирнинг йўқлигида тизимнинг фош этилиши эҳтимоллиги 1га тенг; ҳужумларнинг ва ҳужумларга қарши таъсир оқимларининг тенглигида ҳимоя тизимининг тўлиқ фош этилиши эҳтимоллиги 0.0625 га тенг; $\lambda = 0.75$ ва $\mu = 0.25$ ҳолида ҳимоя тизимининг тўлиқ фош этилиши эҳтимоллиги 0.3 га тенг. Демак, ҳимоя тизимига таъсир этувчи ҳужумлар оқими $\lambda$га самарали қарши таъсир этиш учун $\mu = 0.3 - 0.5$ га тенг интенсивлик билан ишловчи қарши таъсир тизими зарур. Интенсивликнинг ошиши ҳимоя тизимининг қимматлашига олиб келади.

Фойдаланишни бошқариш тизимини амалга ошириш учун ахборот тизимининг модели яратилади. У ахборот тизимининг барча ҳолатларини, бир ҳолатдан бошқа ҳолатга ўтишларини моделлаши, ҳамда қайси ҳолатни хавфсиз деб ҳисоблашни кўрсатиши мумкин. Ахборот тизимини, танланган хавфсизлик сиёсатига асосан, ҳимоялаш тизимини синтезлаш масаласини формаллаштиришнинг турли ёндашувлари мавжуд. Ҳимоя усулларини ишлаб чиқишдаги ҳаражатларни, эксплуатациясини ва хавфсиз вақтни уларнинг асосий характеристикаларига оид деб ҳисоблаш мумкин. Яхлитликни назоратлаш воситалари ҳимоя воситаларининг ва ахборот ресурсларининг яхлитлигини тиклашни амалга оширади. Натижада,

фойдаланишни чеклаш тизимининг анъанавий функционал компонентларига, ахборотдан фойдаланишни ва таҳдидларни аниқлаш ва уларнинг пайдо бўлишини сезувчи ресурсларни оператив назоратлаш функцияларини амалга оширувчи қўшимча модуллар қўшилади. Фойдаланишни чеклаш тизими таркибига, юқорида келтирилган функцияларни амалга оширувчи, мос ҳолда лойиҳаланган ва бошқарувчи воситалар қўшилишининг шартлиги кўзда тутилади. Фойдаланишни чеклаш тизимининг концептуал модели 5-расмда келтирилган.




**5-расм. Фойдаланишни чеклаш тизимининг концептуал модели**

Бу ҳолда, фойдаланишнинг чеклаш тизими ишлаши жараёнини қуйидаги ифода орқали тавсифлаш мумкин:

$y\,(t_2) = Y\left(S_{\text{талаб}}(t_1), \vec{V}^{\text{АхРес}}(t_1), \vec{V}^{\text{ТелРес}}(t_1)\right)$, бу ерда: $\text{S}_{\text{талаб}}(t_1)$ - $\text{t}_1$ вақт онида фойдаланишни чеклаш тизимининг исталган схемаси; $\vec{V}^{\text{АхРес}}(t_1) = \left\{v_i^{\text{АхРес}}\right\}$ - $\text{t}_1$ вақт онида компьютер тизимининг ахборот ресурсларидан (маълумотлар базасидан, файл тизимларидан) фойдаланишни чеклаш воситалари характеристикаларининг вектори; $\vec{V}^{\text{ТелРес}}(t_1) = \left\{v_i^{\text{ТелРес}}\right\}$ - $\text{t}_1$ вақт онида компьютер тизимининг телекоммуникация ресурсларидан (виртуал тармоқларидан) фойдаланишни чеклаш воситалари характеристикаларининг вектори; $y(t_2)$- $t_2$ вақт онида фойдаланишни чеклаш тизими томонидан шакллантирилган фойдаланишни чеклаш буйича ечим, $t_2 > t_1$. Фойдаланишни чеклашнинг исталган схемаси $t_2$ вақт онида фойдаланишни чеклашнинг исталган схемаларини шакллантириш модулида яратилади: $\text{S}_{\text{талаб}}(t_2) = F(\vec{C}(t_1), \overrightarrow{Id}(t_1), \overrightarrow{Ir}(t_1))$.

Бу ерда: $\vec{C}(t_1) = \{c_j\}$- $t_1$ вақт онида компьютер тизими ахборот ва телекоммуникация ресурсларининг ички параметрларининг вектори; $\overrightarrow{Id}(t_1) = \{id_k\}$- идентификациялаш ва таснифлаш модулида $\text{t}_1$ вақтида аниқланган таҳдидлар вектори; $\overrightarrow{Ir}(t_1) = \{ir_s\}$- реконфигурациялаш лозимлигини белгиловчи модулда $t_1$ вақт онида шакллантирилган ечимлар

вектори. Фойдаланишни чеклашнинг реал схемаси $t_2$ вақт онида фойдаланишни чеклашнинг реал схемаларини шаклантириш модулида яратилади:$\mathrm{S}_{\text{реал}}(t_2) = \Pi\left(\mathrm{S}_{\text{талаб}}(t_1), \vec{V}^{\text{АхРес}}(t_1), \vec{V}^{\text{ТелРес}}(t_1)\right)$.

Фойдаланишни чеклашнинг исталган ва реал схемаларини таққослаш баҳоси фойдаланиш схемаларини таққослаш модулида, қуйидаги ифодага биноан шакллантирилади: $\Delta S(t_2) = \Phi\ (\mathrm{S}_{\text{талаб}}(t_1), \mathrm{S}_{\text{реал}}\ (t_1))$.

Фойдаланишни чеклаш тизимини реконфигурациялаш зарурияти хусусидаги ечим реконфигурациялаш лозимлигини белгиловчи модулда $t_2$ вақт онида қуйидаги ифодага биноан шакллантирилади:

$Ir(t_2) = Ir(\overrightarrow{Ir}(t_1), \Delta S(t_1))$.

Идентификациялаш ва таснифлаш модулида таҳдидлар вектори $t_2$ вақт онида қуйидаги ифодага биноан аниқланади: $\overrightarrow{Id}(t_2) = Id\left(\vec{C}(t_1)\right)$.

Демак, фойдаланишни чеклаш тизими ишлаши жараёнини амалга ошириш учун унинг таркибига таҳдидларни идентификациялаш ва таснифлаш билан боғлиқ фойдаланишни чеклашни бошқариш функцияларини бажарувчи воситалар киритилиши лозим.

Мақсадга йўналтирилган жараёнлар самарадорлигини баҳолашнинг маълум методологияси, кўрсаткичлар тизимини шакллантиришда, унинг таркибига баҳоланувчи жараённи тавсифловчи натижалилик, ресурслар кўлами, оперативлик ва ишончлилик каби кўрсаткичларнинг сўзсиз киритилишини кўзда тутади. Ушбу кўрсаткичлар биргаликда кўп сатҳли тизимни ҳосил қилади.

Синтезлаш жараёнининг натижалилигини қуйидаги комплекс кўрсаткичлари орқали баҳолаш мумкин: $\text{Э}_{\text{РФСҲ}}$ - ахборотни рухсатсиз фойдаланишдан статик ҳимояланганлигини тавсифловчи ахборотдан рухсатсиз фойдаланиш эҳтимоллиги; $\text{Э}_{\text{РФДҲ}}$ - ахборотни рухсатсиз фойдаланишдан динамик ҳимояланганлигини тавсифловчи, берилган вақт мобайнида ахборотни рухсатсиз фойдаланишдан ҳимоялашни таъминлаш эҳтимоллиги. $\text{Э}_{\text{РФ}}$ қиймати фойдаланишни чеклаш тизимининг рухсатсиз фойдаланишга уринишларини бартараф этиш қобилиятини ифодалайди; $\text{Э}_{\text{РФҲ}}$ нинг эҳтимоллиги, рухсатсиз фойдаланишга уринишлар ва дастурий ҳужумлар мавжудлигида, фойдаланишни чеклаш тизимининг ахборотни рухсатсиз фойдаланишдан ҳимоялаш қобилиятини акс эттиради.

Юқорида келтирилган кўрсаткичлар комплекс сатҳининг самарадорлик кўрсаткичлари ҳисобланади. Улардан ташқари, ушбу сатҳга куйидагилар тегишли: $K_{\Phi}^{\text{ХР}}$- ҳисоблаш ресурсларининг ишлатилиш коэффициенти; $K_{\Phi}^{\text{ТР}}$- тармоқ ресурсларининг ишлатилиш коэффициенти; N - нархи.

Самарадорликнинг хусусий кўрсаткичлари сатҳига иккита кўрсаткич-оперативлик ва ишончлилик тегишли. Оперативлик кўрсаткичи қуйидагича: Э $(t_{\text{И}} <= T^{\text{ишонч}})$- хавфсизлик таҳдидларини ўз вақтида идентификациялаш ва таснифлаш эҳтимоллиги; Э $(t_{\text{Қ}} <= T^{\text{ишонч}})$- фойдаланишни чеклаш тизимини бошқариш вариантларини ўз вақтида қидириш эҳтимоллиги;

Э ($t_{Ш} <= T^{ишонч}$)- фойдаланишни чеклаш схемасини ўз вақтида шакллантириш эҳтимоллиги.

Ишончлилик кўрсаткичларига қуйидагилар тегишли: $Э_{ИХ}$ - таҳдидларни идентификациялаш хатоликлари эҳтимоллиги; $Э_{БХ}$ - бошқариш хатоликлари эҳтимоллиги; $Э_{ШХ}$ - фойдаланишни чеклаш схемаларини шакллантириш хатоликлари эҳтимоллиги.

Фойдаланишни чеклаш тизими элементлари кўрсаткичлари сатҳи, яъни компьютер тизимида ишлатилувчи фойдаланишнинг дискрецион, мандатли ва ролли усуллари схемаларида қуйидаги кўрсаткичлардан фойдаланилади: $K_{конф}$- конфиденциаллик бўйича талабларнинг амалга оширилишининг тўлиқлик коэффициенти; $K_{фойд}$- фойдаланувчанлик бўйича талабларнинг амалга оширилишининг тўлиқлик коэффициенти.

Юқорида келтирилган кўрсаткичларни фойдаланишни чеклашнинг мавжуд моделларига, таклиф этилган фойдаланишни чеклашнинг концептуал моделини ҳисобга олган ҳолда, қўллаш орқали фойдаланишни чеклаш тизимларининг қиёсий баҳосига эга бўлиш мумкин.

Фойдаланишни назоратлашнинг дискрецион (DAC) ва мандатли (MAC) моделларининг ролли моделдан (RBAC) битта муҳим фарқи мавжуд. Ушбу моделларда тизим хавфсизлик сиёсати олдиндан аниқланади ва уни ҳар бир муайян вазият учун созлаш имкони мавжуд. Ролли модел эса хавфсизлик сиёсатини асло олдиндан аниқламайди, балки уни ташкилотга зарур кўринишда созлашга имкон беради. 2 - жадвалда фойдаланишни чеклаш тизими элементлари даражалари кўрсаткичиларини таққослаш натижалари келтирилган.

**2 - жадвал**

**Фойдаланишни чеклаш тизими элементлари даражалари кўрсаткичларини таққослаш**

| **ФЧТ элементлари даражалари** / **Фойдаланишни чеклаш тизимлари** | **Амалга оширилиш-нинг соддалиги** | **Маъмур-лашнинг соддалиги** | $K_{конф}$ | $K_{фойд}$ | **Реконфи гурация га қарор қабул қилиш** |
|---|---|---|---|---|---|
| DAC | + | - | - | - | - |
| MAC | - | - | + | - | - |
| RBAC | - | + | + | + | + |

Ролли сиёсатнинг ўзига хос хусусиятлари фойдаланувчилар ва объектлар сони кўп, мураккаб тизимларда яхшигина бошқарувчанликка эга фойдаланишни чеклаш тизимини қуришга имкон беради ва шунинг учун, амалий тизимларда кенг қўлланилади.

Диссертациянинг «**Фойдаланишни ролли чеклаш тизими моделининг самарадорлигини ошириш»** деб номаланувчи учинчи боб мосланувчанликни, маъмурга юкламанинг пасайишини таъминлаш ва динамик фаолият муаммосини ҳал этишга имкон берувчи фойдаланишни ролли чеклаш тизими динамик моделининг тавсифига бағишланган.

RBAC модели фойдаланувчиларни битта каталогда бошқариш ёки бир хил ҳуқуқларга эга фойдаланувчиларнинг катта гуруҳларини бошқариш каби муаммолар учун фойдали ечим ҳисоблансада, турли фойдаланувчиларнинг ҳуқуқларини бошқариш ва фойдаланувчиларнинг динамик фойдаланиш учун етарли натижа бермайди. Ушбу муаммоларни ҳал қилиш учун субъектлар ва объектларни атрибутлар тўплами билан белгилашга имкон берувчи атрибутли фойдаланишни чеклаш (Attribute Based Access Control - ABAC) усулидан фойдаланилади. RBAC ва ABACлар ўзларининг афзалликларига ва камчиликларига эга ва уларнинг афзалликлари бир-бирини тўлдиради. Шу сабабли, ABAC мослашувчанлигини сақлаш мақсадида RBAC\ABAC гибрид ёндашуви (RABAC модели) тақдим этилган. RBAC билан ABACнинг қўшилиши, яъни комбинацияланган фойдаланишни бошқаришда маъмурлашни соддалаштириш ва RBACдаги муаммоларни бартараф этиш имкониятларини беради. Иккала моделнинг қўшилиши ички хавфсизлик таҳдидларидан ҳимояламайди. Мазкур ишда, ички таҳдидлардан хавфсиз схемани яратиш учун ваколатлар сатҳида (роллар сатҳида эмас) вазифаларни тақсимлаш-SODни амалга ошириш таклиф этилади. Шундай қилиб, фойдаланувчиларнинг ваколатлари илгаридек қолади ва тизим таклиф этилаётган моделдаги SODни бузмайди. SOD, битта одам назоратидан қутилиш ва фирибгарликларнинг ўсиши йўлларини камайтириш учун, амалга оширилади.

RBAC стандартида SOD низолашувчи роллар сонига боғлиқ. Бунда, таркибида битта ёки бир неча низолашувчи ваколатлар бўлган рол низолашувчи рол деб аталади. Фойдаланишни бошқаришга аталган ваколатлар ва роллар ўз ичида манфаатлар ихтилофини (Conflict Of Interest-COI) бошлаб бермайди, аммо ваколатлар ва роллар орасида COIнинг мавжудлиги жоиз ҳисобланади. Маъмур ваколатларни, вазиятга боғлиқ ҳолда, турлича яратиши мумкин. Агар объектлар сони биттадан кўп бўлса ва маъмур барча объектларга бир хил таъсирни қўллашни истаса, маъмур умумий таъсирли бир неча ваколатларни яратиш учун категориялаш контейнерларига таъсирни қўллаши мумкин. Шу тариқа маъмур турли ваколатларни, типик RBAC моделига, нисбатан кам вақт сарфи эвазига, яратиши мумкин. RBACнинг динамик модели 6- расмда келтирилган.

Ваколат атрибутлари объект атрибутлари каби, чунки ваколат-объект ва таъсир комбинацияси. Шундай қилиб, орттирилган объектлар орттирилган ваколатларни яратади. Орттирилган ваколатлар орттирилган ролларга автоматик тарзда тайинланади.

Маъмур ваколатларни тўртта усул асосида яратиши мумкин.

*1-усул.* Маъмур ваколатларни яратиш учун орттирилган объектларга таъсирни COI билан бирга ёки усиз бевосита қўллаши мумкин. Ушбу усул типик RBAC моделидаги ваколатлар яратиш усулига ўхшаш, яъни маъмур бир мартада битта ваколатни яратиши мумкин.

*2-усул*. Маъмур бир хил номли таъсирли биттадан кўп ваколатни яратиш учун контейнерларни категориялашда таъсирни COI билан ёки усиз қўллаши мумкин. Ушбу усул олдин таклиф этилган усуллардан фарқланади.




**6-расм. Атрибутлар қўшилган роллар орасидаги фойдаланишни динамик назоратлаш модели**

*3-усул.* Маъмур битта объект ва турли таъсирлар учун бир неча ваколатларни яратишда орттирилган объектларга таъсирларнинг умумий наборини қўллаши мумкин. Ушбу усулни аввал таклиф этилган моделларда амалга ошириб бўлмайди.

*4-усул.* Маъмур бир неча ваколатларни яратиш учун категориялаш контейнерларига таъсирларнинг умумий наборини қўллаши мумкин.

Юқорида келтирилган усуллар асосида яратилган ваколатлар, низоли – атрибутли ваколатлар ва низосиз-атрибутли ваколатлар ҳисобланади (7-расм).




**7-расм. Динамик моделида ваколатлар асосидаги SODнинг амалга оширилиши**

Ушбу созланувчи ваколатлар илгари амалга киритилмаган эди. Маъмур ролларни ва фойдаланувчиларни турли атрибутлар билан яратади. Сўнгра атрибутланган низоли ва низосиз ваколатлар автоматик тарзда атрибутланган ролларга (орттирилган ролларга) тайинланади.

Таклиф этилаётган, ваколатлар асосидаги, динамик RBAC модели C-RBACнинг фойдаланишни бошқаришнинг турли моделлари билан таққослаш 8 (1,2)-расмда график кўринишда келтирилган.




1) Бир мартада яратилувчи ваколатлар сонини қиёслаш




2) Вақт бўйича унумдорликни қиёслаш

**8-расм. RBAC ва C-RBAC моделларининг қиёслаш графиклари**

Таклиф этилаётган модел C-RBAC бир вақтнинг ўзида бир неча ваколатларни яратади, бу унинг, фақат битта ваколат яратувчи RBAC моделидан афзаллигини кўрсатади (8 (1)-расм). 8 (2)-расмда C-RBAC моделининг типик RBAC моделига нисбатан вақт бўйича самарадорлиги график кўринишда акс эттирилган. Кўк чизиқ типик модел RBAC унумдорлигини кўрсатаса, қизил чизиқ C-RBAC модели унумдорлигини кўрсатади.

Таклиф этилаётган моделда ваколатларни ролларга, ролларнинг фойдаланувчиларга тайинлаш автоматик тарзда амалга оширилади. 3-жадвалда фойдаланишни назоратлаш моделлари характеристикаларининг таҳлили келтирилган.

**3-жадвал**

**Фойдаланишни назоратлаш моделлари характеристикаларининг таҳлили**

| Моделлар / Харак-теристикалари | RBAC | ABAC | RABAC | Таклиф этилаётган C-RBAC |
|---|---|---|---|---|
| Динамиклиги | - | + | + | + |
| Энг кам ваколатлар | + | - | + | + |
| Оддийлик | + | - | + | + |
| Мослашувчанлик | - | + | - | + |
| SODнинг самарали амалга оширилиши | - | - | - | + |
| Сиёсатни аниқлаш ва техник хизмат кўрсатиш | + | - | + | + |
| Маъмурга иш жараёнининг енгиллиги | - | + | + | + |

